

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари тўғрисида

Маълумки мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим ва илм-фан соҳасини, жумладан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги мақсадли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони тарихий аҳамият касб этиб, мамлакатимиз таълим ва фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармон билан 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки погонали тизими жорий қилиниб, ушбу Фармон ижроси юзасидан, жумладан куйидаги тадбирлар амалга оширилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий база янгиланди, жумладан:

ОАК низомлари қайта ишланиб, тасдиқланди ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди. Мазкур низомларда халқаро илғор амалиёт, самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш, диссертация сифати ва самарадорлигини ошириш, имтиҳонлар таркибини оптималлаштириш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш кабиларга алоҳида эътибор қаратилган;

“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослилиги рўйхати”, “Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари” ва “Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар” қайта кўриб чиқилди ҳамда рўйхатдан ўтказилди;

сиёсий фанлар тикланиб, ихтисосликлар рўйхатига киритилди;

исломшунослик фанлари ихтисосликлар рўйхатига киритилди;

самарали ва натижадор илмий фаолиятни рағбатлантириш учун муҳим илмий янгиликлар олган ва катта аҳамиятга эга бўлган 3 тагача ихтиро патенти муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини диссертация ҳимоясисиз илмий кенгашда презентация асосида бериш тартиби киритилди;

муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва рўйхат бўйича халқаро тизимга кирган илмий журналларда керакли миқдорда мақолалар чоп эттирган мутахассисга фалсафа доктори (PhD) ва илмий даражага эга бўлган талабгоргра фан доктори (DSc) илмий даражасини диссертация ҳимоясисиз илмий кенгашда презентация асосида бериш тартиби киритилди;

2 та малакавий имтиҳон қолдирилган ҳолда (ихтисослик ва чет тили) барча малакавий имтиҳонлар бекор қилинди (маҳсус фан бўйича малакавий имтиҳон фақат ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий унвонлар талабгорлари учун қолдирилди);

IELTS, TOEFL, CEFR, Test DaF, GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF ва Давлат тест марказининг малакавий сертификатига эга изланувчилар чет тили бўйича малакавий имтиҳонни топширишдан озод этилди;

диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати илк бор тўлиқ шаклда ишлаб чиқилди.

Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти (февраль-март) ва унинг ижроси юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижалари бўйича (июнь-декабрь) жойларда учрашувлар ўтказилиб, олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид **800** дан ортиқ саволга тушунтириш берилди. Учрашувларда илмий жамоатчилик, айниқса, ёшлар томонидан мазкур Фармон қўллаб-куватланмоқдава ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини кенг намоён этишдаги аҳамияти эътироф этилмоқда. Бугунги кунда жойларда учрашувлар мунтазам ташкил қилинмоқда, жумладан 2018 йилнинг январь-июнь ойларида Бухоро, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда Тошкент шаҳридаги 18 та олий таълим муассасаси илмий жамоаси билан жойида учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил қилинди. Мазкур тадбирларда 1,5мингдан ортиқ киши иштирок этиб, 700 дан ортиқ саволга тушунтириш берилди ва 175 нафар талабгорга услубий ёрдам кўрсатилди.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар (ИК) тизими қайта кўриб чиқилиб, диссертациялар химоясининг кескин кўпайиши, экспертиза сифатини ошириш, таълим ва илм-фан соҳаларидағи сифат ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда **40** та ИК сони **96 (240%)** тага етказилди. ИК таркиби юқори малакали мутахассислар ҳисобидан мустаҳкамланиб, таркибда **1500** дан ортиқ мутахассис-олимлар фаолият кўрсатмоқда.

Олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг 2 поғонали тизимида **758** нафар талабгор, жумладан **517** нафари фалсафа доктори (PhD) ва **241** нафари фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланди.

Изоҳ:

а) 2013–2018 йилларда жами **1146** нафар талабгор, жумладан **517** нафари фалсафа доктори (PhD) ва **629** нафари фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланди.

Бугунги кунда юртимизда содир бўлаётган туб ижобий ўзгаришлар диссертация химояларида ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўмади, масалан 2013–II.2017 йилларда амалда бўлган тизим шароитида 1 ойда ўрта ҳисобда **9** тадан диссертация химояси ўтказилган бўлса, янги тизим шароитида бир ойда ўрта ҳисобда ойига **84 (933%)** та диссертация химояси амалга оширилмоқда. Шуниндек, аниқ ва табиий фанлар улушининг устуворлиги оширилди. 2017–V.2018 йилларда жами фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланганлар (**758** нафар)дан **51%** (391) аниқ-табиий фанлар, **35%** (263) ижтимоий-гуманитар, **14%** (104) тиббиёт фанлари улушкига тўғри келади.-

Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари бўйича ҳимоя қилинган диссертацияларнинг сифати ва самарадорлиги замонавий талабларга жавоб беради. Ҳар бир диссертацияга хорижий илмий марказлар ва хорижий мутахассислар томонидан тақриз олинган ҳамда ҳар бир диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий қилинган.

Жамиятимизда хотин-қизлар учун яратилаётган шароитлар натижасида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар таркибида аёллар **34%ни** ва фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар таркибида **30%ни** ташкил этмоқда.